*Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглар!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 117 (8857). 13 июнь, 1986 йил • ЖУМА • Баҳоси 3 тийин

## МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

БУДАПЕШТ, 11 июнь. (ТАСС). Венгрия Социалистик ишчи партиясининг таклифига биноан дўстона визит билан Венгрияда меҳмон бўлиб турган ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашидаги Совет делегациясига бошчилик қилган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бугун Будапештдан Москвага жўнаб кетди.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашидаги Совет делегациясининг аъзолари А. А. Громико, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, С. Л. Соколов, В. А. Медведев у билан бирга жўнаб кетдилар.

Аэродромда уларни Я. Кадар, П. Лошонци, Д. Лазар, М. Сюреш, П. Варкони, Ф. Карпати, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнаи ва СССРнинг ВХРдаги элчиси Б. И. Стукалин бор эдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу куниёқ Будапештдан Москвага қайтиб келди.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашида қатнашган совет делегациясининг аъзолари М. С. Горбачев билан бирга Москвага қайтиб келдилар.

Аэродромда уларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Я. Барабаш бор эди. (ТАСС).

## Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг НАТОга аъзо бўлган давлатларга, Европадаги барча давлатларга Европадаги қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш программаси билан

# МУРОЖААТИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада ва бутун дунёда тинчлик тақдири учун ўз халқлари ҳамда инсоният олдидаги масъулиятини англаб ва ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда яхшилик сари туб бурилишга эришиш муддаосига амал қилиб, ҳозир қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ҳақиқий қуролсизланишга ўтишга, уруш хавфини бартараф этишга қаратилган қатъий ҳаракатлар, конкрет чоралар ҳар қачонгидан кўра зарур, деб ҳисоблайдилар.

Улар шу аср охиригача ядро қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини батамом ва ҳамма жойда тугатиш тўғрисида Совет Иттифоқи олға сурган программани қўллаб-қувватламоқдалар. Уларнинг ишончи комилки, ядро синовларини тўхтатиш, ядровий қуролсизланиш ва космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик, химиявий қуролни тақиқлаш ва йўқ қилиш ҳамда қуролсизланиш соҳасидаги бошқа чора-тадбирлар Европа халқлари учун, бутун планета халқлари учун анча бехатар дунёни барпо этишга олиб келган бўлур эди.

Иттифоқчи давлатлар қуролсизланиш проблемасига комплекс ёндашиш, ялпи қирғин қуролини тугатиш Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни анча камайтириш билан мустаҳкамланиши керак, деган фикрни билдирадилар. Европани ядро қуролидан холи қилиш билан бир қаторда Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш проблемаси Европа қитъасининг ҳозирги тақдири ва келажаги учун алоҳида ўткирлик касб этади. Ҳозир бу қитъада энг замонавий қурол-яроғлар билан таъминланган иккита энг йирик Қуролли Кучларнинг гуруҳлари бир-бирига қарама-қарши турибди. Бунинг устига оддий қурол-яроғларнинг баъзи системалари ўзининг жанговар хусусиятларига кўра, ялпи қирғин воситаларига тобора кўпроқ яқинлашмоқда. Иттифоқчи давлатлар ядровий қуролсизланиш соҳасидаги конкрет тадбирлар, Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш билан бир қаторда давлатларнинг ҳарбий харажатлари тегишли равишда камайтириб борилиши керак, деган фикрни билдирадилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мана шу мулоҳазаларга амал қилиб, Европадаги бошқа барча давлатларга, АҚШ ва Канадага ушбу таклифлар билан мурожаат этадилар. Бу таклифлар ялпи қирғин қуролини тугатиш программасига салмоқли қўшимча бўлади. Айни вақтда бу таклифлар мустақил характерда бўлиб, уларнинг амалга оширилиши Европада ҳарбий хавф-хатар даражасини анча пасайтирган бўлур эди.

### I.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европа давлатларининг қуруқликдаги қўшинлари ва тактик зарбдор авиациясининг барча таркибий қисмларини, шунингдек, АҚШ ва Канаданинг Европада жойлаштирилган тегишли кучлари ҳамда воситаларини анча қисқартиришни таклиф этадилар. Оддий қурол-яроғлар билан бир вақтда учиш масофаси (ҳаракат радиуси) 1000 километргача бўлган оператив тактик аҳамиятдаги ядровий қуроллар ҳам қисқартирилган бўлур эди.

Атлантикадан Уралгача бутун Европа территорияси — қисқартиришнинг географик зонасидир.

Европадаги Қуролли Кучлар ва оддий қурол-яроғларни келишиб олинган муддатларда ва ҳеч кимнинг хавфсизлигига зарар етказмай пасайтирилган даражаларда ҳарбий мувозанатни доимо сақлаб қолган ҳолда аста-секин қисқартириш таклиф этилади. Қисқартириладиган қўшилмалар ва қисмлар билан бирга улар штатидаги қурол-яроғлар, шу жумладан, ядровий воситалар ҳам қисқартирилган бўлур эди.

Бошланғич қадам сифатида бир-икки йил мобайнида бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий-сиёсий иттифоқлардаги давлатларнинг қўшинлари сонини ҳар бир томондан 100—150 минг кишига бир йўла ўзаро камайтириш таклиф этилади. Ана шу тадбир доирасида тактик зарбдор авиацияни камайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлур эди. Шундан кейин дарҳол Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар яна кўплаб қисқартиришга тайёрдирлар, ана шу қисқартиришлар натижасида Шимолий Атлантика иттифоқидаги мамлакатлар ҳам шундай қилишга тайёр бўлганлари тақдирда 90-йилларнинг бошларида ҳар иккала иттифоқнинг Европада жойлашган қуруқликдаги қўшинлари ва тактик зарбдор авиацияси ҳозирги даражага нисбатан тахминан 25 процент қисқартирилган бўлур эди. Бундай қисқартириш ҳар бир томондан ярим миллиондан кўпроқ кишини ташкил этган бўлур эди. Шу тариқа Европада бир-бирига қарама-қарши турган Қуролли Кучларнинг гуруҳларида бир миллиондан кўпроқ киши камайган бўлур эди.

Иттифоқчи социалистик давлатлар НАТО ва Варшава Шартномаси мамлакатлари Қуролли Кучларини ва қурол-яроғларини қисқартириш жараёни бундан буён ҳам давом этиши учун ҳаракат қиладилар. Иккала иттифоқ Қуролли Кучлари ва қурол-яроғларни анча қисқартириш Европадаги бошқа давлатларнинг ҳам шу жараёнга қўшилиш имкониятини яратган бўлур эди.

Қуролли Кучларнинг қисқартириладиган компонентларини баб-баравар яхлит ҳарбий қўшилмалар, қисмлар ва бўлинмалар тарзида, уларнинг штатдаги қурол-яроғлари ва жанговар техникаси билан биргаликда тугатиб юбориш таклиф қилинади. Уларнинг шахсий состави ҳар бир давлатда белгиланган тартибда бўшатилиши лозим бўлур эди.

Қисқартириладиган қурол-яроғлар ва техника келишиб олинган тартиб-қоидаларга мувофиқ йўқ қилиб ташланиши ёки миллий территорияда омборларга жойлаб қўйилиши лозим. Ядровий зарядлар йўқ қилиб ташланиши керак бўлур эди. Ҳарбий техниканинг айрим турлари келишиб олинган шартномага мувофиқ тинч мақсадларда фойдаланиш учун топширилиши мумкин бўлур эди.

Қуролли Кучларни ва оддий қуролларни тегишли равишда қисқартириш натижасида бўшаб қоладиган маблағлар янги турдаги қуролларни яратишга ёки бошқа ҳарбий мақсадларга ишлатилмаслиги керак; бу маблағлардан иқтисодий ва социал тараққиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Қуролли Кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги битимда қатнашувчи ҳамма давлатлар ўз зиммаларига қисқартириш зонасидан ташқаридаги пиёда қўшинларни ва тактик зарбдор авиацияни кўпайтирмаслик тўғрисида мажбурият олган бўлур эдилар.

### II.

Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартиришнинг шундай тартибини ишлаб чиқиш таклиф этиладики, унда қисқартириш жараёни қўққисдан ҳужум қилиш хавфини камайтиришга олиб борадиган ва Европа қитъасида ҳарбий-стратегик барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган бўлур эди. Бунинг учун аввал бошдаёқ Европада иккала ҳарбий-сиёсий иттифоқнинг тактик зарбдор авиациясини анча қисқартириш тўғрисида, шунингдек, шу иттифоқлар бақамти бўлиб турган чизиқ бўйлаб қўшинларнинг тўпланишини камайтириш ҳақида бир битимга келиш таклиф этилади.

Худди шу мақсадда Варшава Шартномаси ва НАТО мамлакатларининг, Европадаги барча мамлакатларнинг уларга қарши қўққисдан ҳужум операциялари қилинмаслигига ишончини кучайтира оладиган қўшимча чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилиб, амалга оширилган бўлур эди.

Йирик ҳарбий машқлар (уларнинг миқдори ва миқёси жиҳатидан) ўтказилишини чеклаш хусусида, шу машқлар ҳақида, жумладан, бошқа районлардан машқ даврида Европага жалб этиладиган кучлар ва воситалар тўғрисида, шунингдек, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган бошқа чора-тадбирлар ҳақида жуда батафсил ахборот айирбошлаш хусусида бир битимга эришиш кўзда тутилади.

Европада ядровий ва химиявий қуролдан холи зоналарни вужудга келтириш, иккала ҳарбий иттифоқнинг ҳарбий фаолиятини босқичма-босқич қисқартириш, уларнинг қатнашчилари ўртасида қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш сингари тадбирларнинг амалга оширилиши қитъада ишончни мустаҳкамлашга ҳамда Қуролли Кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш учун қулайроқ шароитлар яратишга кўмаклашган бўлур эди.

### III.

Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш ҳам миллий-техникавий воситалардан, ҳам жойларда инспекция ўтказишгача халқаро тартиб-қоидалардан фойдаланиладиган пишиқ-пухта ва самарали контрол остида амалга оширилган бўлур эди.

Қисқартириш жараёнининг ўзи устидан контрол тадбирлари ўтказиш билан бирга қисқартиришдан кейин қолган қўшинларнинг ҳарбий фаолияти устидан кузатув ўрнатиш таклиф қилинади.

Аҳдномаларга мувофиқ ўзаро ишончни мустаҳкамлаш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар устидан текширишнинг айнан бир хил формалари қўлланилган бўлур эди.

Контролни амалга ошириш учун келишиб олинган пайтда томонлар — қисқартириладиган зонадаги пиёда қўшинларнинг ва тактик зарбдор авиациянинг умумий сони тўғрисидаги ҳамда уларнинг қисқартирилиши лозим бўлган қисми ҳақида, шунингдек, қисқартиришдан кейин қоладиган қисми ҳақида алоҳида-алоҳида рақам маълумотларини, қисқартириладиган (тугатиладиган) ҳарбий бўлинмаларнинг рўйхатларини бир-бирига топширадилар, бу рўйхатларда ҳарбий бўлинмаларнинг номлари, ундаги ҳарбий хизматчиларнинг сони, қаерда жойлашганлиги ва қисқартириладиган қурол-яроғларнинг келишиб олинган асосий типлари миқдори кўрсатилган бўлади. Қисқартиришлар бошланганлиги ва тугалланганлиги тўғрисида бир-бирларини ўзаро хабардор қилган бўлур эдилар.

Контрол мақсадлари учун НАТО ва Варшава Шартномаси мамлакатларининг, шунингдек, манфаатдор бетараф ва қўшилмаган мамлакатларнинг, Европадаги бошқа давлатларнинг вакиллари иштирокида халқаро маслаҳат комиссияси таъсис этилади. Жойларда Қуролли Кучларнинг қисқартирилиши, қурол-яроғларнинг йўқ қилиб ташланиши ёки омборларга жойлаб қўйилиши устидан контролликни зарур ҳолларда халқаро маслаҳат комиссияси вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин бўлур эди. Бундай контрол учун йирик темир йўл узелларида, аэродромларда, портларда халқаро маслаҳат комиссияси вакилларидан иборат контрол постлари тузилган бўлур эди.

### IV.

Европадаги Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги мазкур таклифлар Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирлари ҳамда қуролсизланишга бағишланган конференциянинг иккинчи босқичида конкрет муҳокама мавзуи бўлиши мумкин эди.

Айни вақтда, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш кераклигига асосланиб, ушбу таклифларни кўриб чиқишга дарҳол киришиш мумкин бўлур эди, деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда улар Европа давлатлари, АҚШ ва Канада составида махсус анжуман чақириш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Улар Марказий Европада Қуролли Кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги Вена музокараларига Европадаги бошқа давлатларни қўшиш ҳамда музокаралар мандатини тегишли тарзда ўзгартириш йўли билан ана шу музокаралар доирасини кенгайтиришга ҳам тайёрдирлар.

Улар Умумевропа миқёсида ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини ўзаро пасайтириш учун имкони бўлган барча йўллар ва анжуманлардан фойдаланишга тайёр эканликларини билдириш билан бирга Марказий Европада қурол-яроғлар ва Қуролли Кучларни камайтиришдан манфаатдор эканликларини таъкидлайдилар ҳамда Стокгольм конференциясининг биринчи босқичи самарали тугалланиши керак, деган фикрни яна билдирадилар.

### V.

Ҳарбий доктриналар тўғрисидаги масала айрим давлатлар каби ҳарбий-сиёсий гуруҳларнинг ҳақиқий муддаоларига баҳо беришда муҳимдир. Неча йиллар мобайнида йиғилиб қолган ўзаро ҳайиқиш ва ишончсизликни бартараф этиш, ушбу масалада ҳам бир-бирларининг хавотирланаётганлигини муфассал ўрганиб чиқиш зарур. Европада ва бутун дунёда хавфсизлик манфаатларини кўзлаб ҳарбий иттифоқларнинг ҳарбий концепциялари ва доктриналари мудофаа асосларига қурилиши лозим.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шуни зўр масъулият билан билдирадиларки, улар ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолларда ҳам агарда уларнинг ўзлари агрессия объекти бўлиб қолмаган тақдирда хоҳ Европада ёки жаҳоннинг бошқа районида бўлмасин, ҳар қандай давлатга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошламайдилар. Улар олға сураётган таклифлар уларнинг изчил сиёсатидан келиб чиқмоқдаки, бу сиёсат уруш хавфини бартараф этишга, барқарор ва бехатар дунёни барпо этишга қаратилган сиёсатдир. Бу таклифлар уларнинг ҳарбий доктриналари мудофаа характерида эканлигидан ҳам келиб чиқмоқдаки, бу доктрина ҳарбий кучлар мувозанатини мумкин қадар пастроқ даражада сақлаб туришни, ҳарбий потенциаллар мудофаа учун зарур бўлган чегараларгача қисқартирилишини назарда тутади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳар иккала ҳарбий иттифоқларни бир вақтнинг ўзида тарқатиб юбориш тўғрисидаги таклифи ҳам уларнинг айни ўша тинчлик муддаоларидан келиб чиққан.

НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар ҳам ўз иттифоқининг мудофаа характерда эканлигини айтмоқдалар. Бундан чиқадиган хулоса шуки, Европадаги Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни ўзаро анча миқдорда қисқартириш учун тўсиқлар бўлмаслиги керак.

* * *

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шу Мурожаат билан майдонга чиқар эканлар, унда баён этилган таклифларни муфассал муҳокама қила бошлаш учун олдиндан ҳеч қандай шартлар қўймайдилар. Улар НАТОга аъзо бўлган давлатлар, бетараф ва қўшилмаган давлатлар, Европадаги бошқа давлатлар томонидан шу хусусда ўртага қўйилиши мумкин бўлган бошқа таклифларни ҳам амалий руҳда кўриб чиқишга тайёрдирлар.

**Болгария Халқ Республикаси номидан**
**Тодор ЖИВКОВ**
**Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси**

**Венгрия Халқ Республикаси номидан**
**Янош КАДАР**
**Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Бош секретари**

**Германия Демократик Республикаси номидан**
**Эрих ХОНЕККЕР**
**Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси**

**Польша Халқ Республикаси номидан**
**Войцех ЯРУЗЕЛЬСКИЙ**
**Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси**

**Руминия Социалистик Республикаси номидан**
**Николае ЧАУШЕСКУ**
**Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти**

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан**
**М. С. ГОРБАЧЕВ**
**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари**

**Чехословакия Социалистик Республикаси номидан**
**Густав ГУСАК**
**Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти**

**Будапешт, 1986 йил 11 июнь**

## Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг

# АХБОРОТИ

1986 йил 10—11 июнь кунлари Будапештда Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков — делегация бошлиғи; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Георгий Атанасов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри Петр Младенов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Милко Балев; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР халқ мудофаа министри Добри Журов; БКП Марказий Комитетининг секретари Димитр Станишев;

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Бош секретари Янош Кадар — делегация бошлиғи; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Дьердь Лазар; ВСИП Марказий Комитетининг секретари Матьяш Сюреш; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри Петер Варкони; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Ференц Карпати;

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер — делегация бошлиғи; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Герман Аксен; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Генц Кесслер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Эгон Кренц; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Гюнтер Миттаг; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри Оскар Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Войцех Ярузельский — делегация бошлиғи; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Збигнев Месснер; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Юзеф Чирек; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПХР ташқи ишлар министри Мариан Ожеховский; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПХР миллий мудофаа министри Флориан Сивицкий;

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти Николае Чаушеску — делегация бошлиғи; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри Константин Дэскэлеску; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Ион Стоян; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР миллий мудофаа министри Василе Миля; РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР ташқи ишлар министри Илие Вэдува; РСРнинг ВХРдаги элчиси Николае Вереш;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев — делегация бошлиғи; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов; КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти Густав Гусак — делегация бошлиғи; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугал; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари Васил Биляк; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари Милош Якеш; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Богуслав Хнеупек; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри Милан Вацлавик иштирок этдилар.

Кенгаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, Сиёсий маслаҳат комитетининг Бош секретари, Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Миклош Барить ҳам қатнашдилар.

Европадаги ва умуман дунёдаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олинди, қуролсизланиш, халқаро муносабатларни қайта қуриш, Европа хавфсизлиги ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар муҳокама этилди.

### I.

Кенгаш қатнашчилари қуролланиш пойгаси, биринчи навбатда ядровий қуролланиш пойгаси кучайганлиги натижасида, қуролланиш пойгасини жиловлаш, бундай пойга космосга ёйилишининг олдини олиш, ядро синовларини тўхтатиш йўлига ўтишдан бош тортаётган АҚШ ва НАТОнинг хатти-ҳаракатлари туфайли дунёда вужудга келган кескин вазиятдан жиддий ташвиш билдирдилар. АҚШ билан НАТО СССР таклиф этган катта ташаббусга, яъни XX аср охиригача ялпи қирғин қуролини батамом йўқ қилиш программасига амалий жавоб қайтаришдан бўйин товламоқдалар. Европада

(Давоми иккинчи бетда).

## БУДАПЕШТ КЕНГАШИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

БУДАПЕШТ, 11 июнь. (ТАСС). Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашидан кейин унда қатнашган давлатлар делегацияларининг раҳбарлари: БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, ВСИП Бош секретари Я. Кадар, ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский, РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак алоҳида учрашув ва музокаралар ўтказдилар, бу учрашув ва музокаралар самимий, дўстона вазиятда ўтди.

## ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

11 июнь куни Москвада тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ва Совет тинчлик фонди правлениесининг пленуми бўлди.

Нутқларда Совет тинчлик тарафдорлари КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш, КПСС билан Совет давлатининг ташқи сиёсий йўлини жаҳон жамоатчилигининг ғоят кенг доиралари орасида пропаганда қилишга оид ишларни кучайтиришни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб билаётганликлари таъкидланди. Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликдан бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Социализм билан капитализм ўртасидаги муҳолифлик фақат тинч-тотув яшаш ва тинч ҳамкорлик формаларида ўтиши мумкин.

Пленум қабул қилган қарорда тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ва Совет тинчлик фондининг фаолияти маъқулланди, уларнинг келгусидаги ишлари йўналишлари белгиланди.

(ТАСС).

# Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг

# АХБОРОТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Американинг ўртача олислик ракеталарини жойлаштириш давом этмоқда, империалистларнинг кучни пеш қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига қўпол аралашиш сиёсатининг кўринишлари кўпайиб бормоқда. Халқлар Женевада олий даражада ўтказилган Совет — Америка учрашуви туфайли қуролсизланиш сари ва кескинликни юмшатишга қайтиш сари реал қадамлар пайдо бўлганлигидан ва унда принципиал аҳдлашувларга эришилганлигидан умидвор бўлган эдилар. Лекин уларнинг умидлари шу пайтгача ҳам оқланмаяпти.

Жаҳон ўз тараққиётининг шундай босқичига кирдики, бунда ҳозирги замоннинг туб масалаларини ҳал этишдан бўйин товлаш — бутун цивилизация тақдирини таҳлика остида қолдиришни билдирган бўлур эди. Ҳозирги шароитда биронта ҳам давлат ёки давлатлар группаси ўз хавфсизлиги ва омон-эсонлигини ҳарбий куч ёрдамида бошқа мамлакатлар ва халқларга ўз ҳукмини ўтказиш асосида қура олмайди. «Янги жаҳонгирлик» сиёсати ёки бошқача аталишидан қатъи назар, бундай сиёсат истиқболсиздир. Бу сиёсат инсоният учун ҳалокатли сиёсатдир.

Тинчликни ҳимоя қилиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш, аввало ядро соҳасида қуролсизланиш юзасидан конкрет чораларга ўтиш — замонамизнинг туб вазифасидир. Бу вазифани ҳал этиш уруш хавфининг кучайиб бориши тенденциясини орқага буриб юбориш, халқаро муносабатларни кескинликни юмшатиш ўзанига қайтариш мумкин. Инсоният ядро ҳалокати йўлига ғов солиши мумкин ва лозим.

Кенгаш қатнашчиларининг ишончи комилки, барча мамлакатлар ва халқларнинг пухта хавфсизлиги, уларнинг ривожланиши ва тараққий этиши учун тинч шароитлар сиёсий воситалар билан, барча давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билангина таъминланиши мумкин. Бундай позиция ядро асрининг реал воқеликларига мос келиб, ўз халқларининг, бутун инсониятнинг тақдири учун масъулиятни юксак даражада ҳис этиш далилидир.

Ҳозирги вазиятда давлатларнинг тинч-тотув яшашидан бошқа оқилона йўл йўқ. Эндиликда миллий мустақиллик ва суверенитетни ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги ва территориал бутунлик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик принципларига ҳамда халқаро муносабатларнинг ҳамма эътироф этган бошқа нормаларига қатъий риоя этиш ҳар қачонгидан кўра зарурдир.

## II.

Варшава Шартномаси қатнашчилари 1985 йил 23 октябрда Сиёсий маслаҳат комитетининг София кенгашидаги Баёнотида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг актуаллигини таъкидлаб, ядровий хавф-хатарни бартараф этишга, Европа ва жаҳон ишларида яхшилик сари бурилишга, давлатлар ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантиришга қатъият ва изчиллик билан эриша боришни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар. Иттифоқчи социалистик давлатлар ҳарбий ва сиёсий, шунингдек, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни ўз ичига оладиган кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини вужудга келтиришга интилмоқдалар. Қардош мамлакатларнинг идора қилувчи партиялари съездларининг қарорларида ифода этилган ташқи сиёсий йўли барча учун бехатар дунёни — қурол-яроғларсиз, урушларсиз дунёни барпо этишга қаратилгандир.

Кенгаш қатнашчилари турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида сиёсий мулоқотни давом эттириш ва чуқурлаштириш, бу мулоқотга мумкин қадар кўпроқ конкрет ва самарали тус бағишлаш керак, деган қатъий фикрни билдирмоқдалар Бу гап СССР билан АҚШ ўртасида Женевада олий даражада бошланган мулоқотларни ҳамда Европа давлатлари ўртасидаги кўп томонлама, шунингдек, икки томонлама музокараларни давом эттиришга ҳам тааллуқлидир.

## III.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар Ер юзида қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва космосда шундай пойганинг олдини олиш, қуролсизланиш мақсадида бошқа мамлакатлар билан жуда кенг ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишга тайёр эканликларини изҳор этадилар ва аввало, қуйидаги соҳаларда куч-ғайратларни бирлаштиришга чақирадилар:

— **ядровий синовларни тўхтатиш.** Бу синовларни тўхтатиш ядровий қуролсизланиш йўлидаги катта ва айни вақтда осон амалга ошириладиган қадам бўлур эди, ядро қуролини takомиллаштириш ва унинг янги типларини яратиш ишида тўсиқ бўлиб қолур эди. Бу вазифани ҳал этиш йўли — СССР билан АҚШнинг ядровий портлатишларни ўзаро тўхтатиб қўйишларидан, жуда қаттиқ контрол остида ядровий синовларни тўла-тўкис тақиқлаш хусусида зудлик билан музокаралар бошлашдан иборат. Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқининг ядровий портлатишларни тўхтатиб туриш муддатини яна узайтирганини табриклайдилар ва АҚШни ҳам шу тадбирга қўшилишга чақирадилар. Айни вақтда улар ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларга мурожаат қилиб, ядровий синовларни тўхтатишга ва бу синовларни ҳамма жойда тақиқлаш тўғрисида бир битимга тезроқ эришиш йўлида ҳаракат қилишга даъват этадилар.

— Англия билан Франция ўзларининг тегишли ядровий қуролларини кўпайтирмасликларини, АҚШ эса ўзининг стратегик ва ўртача олислик ракеталарини бошқа мамлакатларга бермаслигини англаб, **Европа зонасида Совет Иттифоқи билан Американинг ўртача олислик ракеталарини ўзаро асосда тўла-тўкис тугатиш,** Американинг Европадаги ўртача олислик ракеталари тўла-тўкис тугатилган тақдирда Совет Иттифоқининг оширилган олисликка учириладиган оператив-тактик ракеталари ҳам ГДР ва ЧССР территорияларидан олиб кетилади.

— **Ядровий ва космик қуролларга оид Совет — Америка музокараларида** иккала томоннинг ва бошқа барча давлатларнинг манфаатларини эътиборга оладиган **конкрет аҳдномаларга эришиш.** Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасидаги шартномалар ва битимларга содиқ эканликларини тасдиқлайдилар ҳамда АҚШни стратегик қуролларни чеклашга оид битимларга қатъий риоя этишга чақирадилар. «Самовий уруш»лар, зарбдор космик қуролларни яратиш программаси, бошқа давлатларни бу программага жалб этиш, шунингдек, Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида «Европа мудофаа ташаббуси»га ўхшаш лойиҳаларни ишлаб чиқиш хатарли характерга эгадир. Космосдан тинч мақсадларда, бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида фойдаланиш лозим.

— **Оммавий қирғин қуролининг химиявий қурол сингари турини, шунингдек, уни тайёрлайдиган саноат базасини тугатиш.** Женева конференциясида тегишли халқаро конвенция тузишга оид музокараларни муваффақиятли тугаллаш йўлидаги куч-ғайратларни ошириш, химиявий қуролнинг батамом тақиқланишига ва тугатилишига халақит берадиган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиб туриш жуда зарурдир. Кенгаш қатнашчилари мана шу оммавий қирғин қуроли запасларининг янада кўпайтирилишига, унинг бошқа давлатлар территориясида жойлаштирилишига қатъиян қарши чиқадилар ҳамда НАТО мамлакатларини химиявий қуролнинг бир тури — алоҳида хатарли бинар қуролни ишлаб чиқариш ва уни Европада жойлаштириш режаларини амалга оширишдан воз кечишга чақирадилар.

— **Жаҳон ва регионлар даражасида Қуролли Кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш.** Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар буларни қисқартиришни Европадан бошлашни таклиф қиладилар, чунки бу ерда қўшинлар ва қурол-яроғларнинг кўплаб тўпланиши алоҳида хатарли миқёсларга етди. Кенгаш НАТОга аъзо бўлган давлатларга, Европадаги барча мамлакатларга шу масалага оид программа билан мурожаат қилди.

— **Қурол-яроғларни қисқартириш ва қуролсизланишнинг барча соҳаларида ва ҳамма босқичларида** миллий техникавий воситалардан ҳам, шунингдек, жойларда инспекция ўтказишгача халқаро тартиб-қоидалардан ҳам фойдаланиб, **самарали контролни амалга ошириш.** Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар контролнинг ҳар қандай қўшимча чоралари ҳақида ҳам келишиб олишга тайёрдирлар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўзга территориялардаги ажнабий ҳарбий базаларни тугатиш ва қўшинларни олиб кетиш мақсадида халқаро миқёсдаги куч-ғайратлар давом эттирилишини ёқловчи ўз позициясини тасдиқлайдилар.

Қурол-яроғларни қисқартириш ва қуролсизланиш соҳасидаги амалий қадамлар тинч, бунёдкорлик мақсадлари учун, шу жумладан, дунёнинг кўпгина районларидаги иқтисодий қолоқликни тугатиш учун жуда катта моддий, молиявий, одам ресурсларини бўшатиб олиш имконини беради. Кенгаш қатнашчилари БМТ қарорига мувофиқ қуролсизланишга ва ривожланишга бағишланган халқаро конференция ўтказилишига катта аҳамият берадилар.

Таҳликали халқаро вазият қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш ҳамда қуролсизланиш юзасидан ўтказилаётган икки томонлама ва кўп томонлама музокараларнинг мавжуд механизмларидан қуролланиш пойгасини оқлаш учун ниқоб тариқасида фойдаланилмаслиги, балки бу механизмлар самарали ишлаши зарурлигини тақозо этади.

## IV.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Улар қитъадаги ҳарбий қарама-қаршилик даражасини камайтириш учун, бу ерда мавжуд бўлган ҳарбий потенциалларни қисқартириш учун, Европа территориясини ядровий ва химиявий қуролдан батамом халос этиш сари муттасил олға силжиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Болқон ярим оролида, қитъанинг марказида, шимолида ва бошқа районларида оммавий қирғин қуролининг шу турларидан холи зоналарни вужудга келтириш барқарорлик ва ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашган бўлур эди. ГДР билан ЧССРнинг, шунингдек, БХР билан РСРнинг яқинда ўртага қўйган ва кенгашда қатнашувчи давлатлар қўллаб-қувватлаган таклифлари шу мақсадни кўзлайди.

Марказий Европадаги Қуролли Кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги Вена музокараларида ўзаро мақбул аҳдномаларга эришилиши қитъадаги кескинликни юмшатиш мақсадларига хизмат қилган бўлур эди.

Стокгольм конференциясининг биринчи босқичи самарали тугалланиши Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, Умумевропа миқёсида қуролсизланиш масалаларини кўриб чиқишга ўтиш учун қулайроқ шарт-шароитларни яратишга кўмаклашган бўлур эди.

Модомики, Европада бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий гуруҳлар мавжуд экан, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг НАТО мамлакатлари билан ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинч муносабатлар ўрнатиш тўғрисида шартнома тузиш таклифи ўзининг бутун актуаллигини сақлаб қолаверади, бу шартнома бошқа давлатларнинг қўшилиши учун ҳам очиқ бўлур эди. Кенгаш қатнашчилари ҳозирги вазиятнинг кескинлигини камайтириш манфаатларини кўзлаб, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида мулоқотни давом эттириш ва ривожлантириш, шу жумладан, тегишли аҳдномаларга эришиш мақсадида иккала ташкилот ўртасида бевосита алоқалар ҳам ўрнатиш кераклигини ёқлаб чиқмоқдалар

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар вужудга келган халқаро вазиятдан Ўрта Ер денгизидаги вазиятни соғломлаштиришга, шу регионни барқарор тинчлик, хавфсизлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан СССР ва АҚШнинг ҳарбий-денгиз флотларини Ўрта Ер денгизидан айни бир вақтда олиб чиқиб кетиш катта роль ўйнаган бўлур эди.

Социалистик мамлакатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг Венада ўтказиладиган учрашувига муҳим аҳамият бермоқдалар ва Хельсинки якунловчи актида кўзда тутилган ҳамма соҳаларда ҳамкорлик қилишнинг Умумевропа жараёнини янада мувозанатли тарзда ривожлантиришга ҳисса қўшишга тайёрдирлар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ва шу кенгашга аъзо бўлган айрим мамлакатларнинг Европа иқтисодий ҳамжамияти билан расмий муносабатлар ўрнатиши ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги имкониятларини очган бўлур эди.

Европа давлатлари ўртасидаги чегараларни қайта кўриб чиқишга, уларнинг социал-сиёсий тузумини ўзгартиришга қилинаётган даъватлар Европада ишонч ва ҳамжиҳатликни, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга зиддир. Қитъада урушдан кейинги чегаралар бузилмасдир. Мавжуд территориал-сиёсий реалликларни ҳурмат қилиш — Европадаги мустаҳкам тинчликнинг, Европа давлатлари ўртасидаги нормал муносабатларнинг зарур шартидир. Аввало, Германия Федератив Республикасида реваншчи кучларнинг фаолияти ва бирон-бир жойда реваншизмни рағбатлантириш Европада кескинликни юмшатиш, хавфсизлик ва ҳамкорлик манфаатларига, Хельсинки якунловчи актининг руҳи ва ҳарфига зиддир.

Европа кескинликни юмшатиш қайта тикланишига, унинг янада барқарор фазаси сари ҳаракат қилинишига муҳтождир. Шу йўлдан боргандагина Европанинг барча халқлари учун мустаҳкам хавфсизликни таъминлаш, қитъанинг парчаланганлигини бартараф этиш, тинчлик, дўстона ҳамкорлик ва яхши қўшничилик ҳукм сурувчи Европани барпо этиш мумкин. Бу — бемалол рўёбга чиқарса бўладиган мақсад, биргаликдаги актив куч-ғайратлар билан шу мақсадга эришиш мумкин.

## V.

БХР, ВХР, ГДР, ПХР, РСР, СССР ва ЧССР раҳбарлари дунёда мавжуд бўлган кескинлик ва можароли вазиятлар манбалари хусусида фикрлашиб олдилар ҳамда ўз давлатларининг музокаралар йўли билан шу манбаларни одилона бартараф этишга кўмаклашишга аҳд қилганликларини тасдиқладилар. Улар империалистик кучларнинг суверен давлатлар ички ишларига аралашувини, социалистик ва бошқа давлатларга қарши қаратилган туҳмат, ташвиқот кампанияларини, дунёнинг турли районларидаги зўравонлик методларини, тажовузкорлик ҳаракатларини қораладилар.

Кенгаш қатнашчилари ўз давлатларининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги, Жануби-Шарқий Осиёдаги, Марказий Америкадаги, Африка жанубидаги ва дунёнинг бошқа районларидаги можаролар ҳамда кескинлик манбалари хусусида ўзларининг София Баёнотида ифодалаб берилган принципиал позицияларини тасдиқладилар. Улар Осиёда, Тинч океан ҳавзасида, Африкада, Лотин Америкасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш кераклигини айтдилар.

Кенгаш қатнашчилари империалистик агрессия сиёсатига қарши мустақиллик, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун, ташқаридан аралашувсиз эркин, мустақил ривожланиш ҳуқуқи учун курашаётган халқлар билан бирдам эканликларини билдирдилар.

Улар халқаро муносабатларнинг йирик омили бўлмиш қўшилмаган мамлакатлар ҳаракатининг ошиб бораётган ролини таъкидладилар ҳамда шу ҳаракат қатнашчиларининг 1986 йилда Хараредa ўтказиладиган олий даражадаги учрашуви тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшади, деб умид билдирдилар.

Кенгашда вакиллари қатнашган мамлакатлар ҳар қандай терроризмга ва аввало, халқаро муносабатларни издан чиқариш хавфини туғдирадиган давлат терроризмига принципиал қарши эканликларини ва бу хатарли ҳодисани таг-томири билан қўпориб ташлаш учун барча давлатлар билан амалий ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдирадилар.

Халқаро иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш вазифаси тобора муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг ночор иқтисодий аҳволи, улар янги мустамлакачиларча эксплуатация қилинаётганлиги тинчлик ва бутун халқаро муносабатлар системаси учун жиддий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Бу — халқаро кескинликнинг ва дунёнинг турли районларида рўй бераётган можароларнинг таг заминли сабабларидан биридир. Жаҳон экономикасининг комплекс муаммоларини у ёки бу давлатлар группаси алоҳида-алоҳида ҳал эта олмайди. Кенгашда вакиллари қатнашаётган давлатларнинг раҳбарлари бутун халқаро иқтисодий муносабатларнинг системаси демократик асосларда қайта қурилиши, барча давлатларга баб-баравар иқтисодий хавфсизликни таъминлайдиган янги жаҳон иқтисодий тартиби ўрнатилиши, ривожланишдаги қолоқлик тугатилиши, ташқи қарз муаммоси жаҳон миқёсида ва адолатли ҳал қилиниши керак, деган фикрни билдирадилар. Улар камситиш барча формалари, бойкот қилиш ва жазо чоралари сиёсати, юқори процентлар белгилаш, илмий-техника ва технология ҳамкорлиги соҳасида жўрттага тўсиқлар қўйиш сиёсатининг халқаро практикадан бартараф этилишини қатъий талаб қиладилар.

Кенгаш қатнашчилари ядро энергетикасини бехатар ривожлантириш халқаро режимини яратиш, шу жумладан оператив хабардор қилиш ва ахборот бериш механизмини вужудга келтириш ишида барча давлатлар ўртасида ҳамкорлик ривожлантирилиши кераклигини айтмоқдалар. Улар шу соҳада МАГАТЭ, БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг ролини ошириш, шу билан боғлиқ масалаларнинг бутун комплексини муҳокама этиш учун махсус халқаро конференцияни чақириш керак, деган фикрдалар.

Вакиллари кенгашда қатнашаётган давлатлар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тинчликни сақлаб қолиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш ишига, инсоният олдида турган барча жаҳоншумул проблемаларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси оширилиши керак, деган фикрни билдирадилар. Улар 1986 йил — халқаро Тинчлик йили яхшилик сари, анча бехатар дунё сари чинакам бурилиш билан нишонланиши учун ҳамма ишни қилмоқдалар ва бундан буён ҳам шундай қилаверадилар.

## VI.

Кенгашда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг бирлиги ва жипслигини, уларнинг мудофаа иттифоқини мустаҳкамлаш, барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Халқаро ишларда, ўз халқларининг хавфсизлигини таъминлашга, ядро уруши хавфини бартараф этишга, қуролсизланишга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган баҳамжиҳат ташқи сиёсий йўлини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда тобора актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга кенгашда қатнашаётган давлатларнинг Варшава Шартномаси ва НАТОни бир вақтнинг ўзида тарқатиб юбориш тўғрисидаги ўзгармас позицияси таъкидланди.

Кенгаш қатнашчилари социалистик қурилиш тажрибасини ўртоқлашишни бундан буён ҳам кенгайтириб бориш, бир-бирларининг ишлари ва проблемалари билан кенг кўламда ўзаро танишиш, шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан интенсив фойдаланиш керак, деган фикрни билдирдилар. Иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларнинг, маданий ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат коллективлари, жамоатчилик ўртасида мулоқотларни, маҳаллий ва туристик алоқаларни кенгайтириш, бошқа соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳимлиги қайд этиб ўтилди. Кенгашда вакиллари қатнашаётган давлатлар тинчлик, социализм учун, империализмга қарши кураш манфаатлари йўлида бошқа барча социалистик давлатлар билан муносабатларни, баҳамжиҳат ҳаракатни ва ҳар томонлама ҳамкорликни актив ривожлантиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Кенгаш Сиёсий маслаҳат комитетининг аввалги кенгашидан кейин ўтган давр мобайнида ташқи ишлар министрлари комитети билан мудофаа министрлари комитетининг ишига ижобий баҳо бериб, уларнинг бундан буёнги вазифаларини белгилади.

Сиёсий маслаҳат комитети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондонининг қўмондонлик бажарган амалий ишлар тўғрисидаги доклади юзасидан қарор қабул қилди.

Кенгаш ўтказилган мамлакат сифатида Венгрия Халқ Республикаси Сиёсий маслаҳат комитети қабул қилган Мурожаат ва мазкур Ахборотнинг тарқатилишини таъминлаши кўзда тутилди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши Германия Демократик Республикаси пойтахти — Берлинда ўтказилади. ГДР вакили Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари ва министрининг биринчи ўринбосари Герберт Кроликовский навбатдаги муддатга Сиёсий маслаҳат комитетининг Бош секретари этиб тайинланди.

Кенгаш дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик вазиятида, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарашларнинг бирлиги руҳида ўтди.

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитетининг 11 июнда бўлиб ўтган бюро мажлисида Тошкент область партия комитети ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коллегиясининг «КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми ҳамда умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари талаблари асосида область педагогика олий ўқув юртларида ўқитувчи кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори область давлат педагогика институти партия ташкилоти, партия бюроси ва ректорати томонидан қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланганидек, педагогика институти партия ташкилоти ва ректорати олиб бораётган ишлар ҳали КПСС XXVII съезди кўрсатмалари ва мактабни ислоҳ қилиш талабларига тўла жавоб бермайди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда кўпгина камчиликлар бор. Коллектив ҳаётида коммунистларнинг авангардлик роли сезилмайди.

Ўқув жараёнларини, методик, илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш ва ташкил этишда жиддий камчиликлар мавжуддир. Кафедралар, жамоат ташкилотлари, комсомол комитетининг студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича олиб бораётган ишлари савияси пастдир. Институтнинг ўқув моддий базаси, студентларга медицина ва маиший хизмат кўрсатиш шу кун талабларига жавоб бермайди. Ангрен шаҳар партия комитети институт ҳаётига чуқур кириб бормаяпти, унинг раҳбарлари ҳисоботларини тинглаб турмаяпти, талабчанлик кўрсатмаяпти.

Институт партия ташкилоти партия бюроси ва ректоратининг ўқитувчи кадрлар тайёрлаш юзасидан фаолияти қониқарсиз деб топилди. Йўл қўйилган камчиликлар учун область партия комитети бюроси институт партия бюроси секретари А. Улуғхўжаев ва ректор Н. Ф. Иброҳимовга партиявий жазо берди. Институт партия бюроси ва ректоратига бир ойлик муддат ичида КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш юзасидан ишларни тубдан яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Область партия комитети бюро мажлисида 1986 йилда озуқа тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариш юзасидан область социалистик мусобақасини ташкил этиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Область партия комитети бюросида область ва Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган планлари лойиҳаларининг асосий кўрсаткичларини шакллантиришнинг бориши юзасидан ахборот тингланди.

Область партия комитети бюроси мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Пискент район партия комитетининг пленуми

12 июнда Пискент район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. У. Я. Баҳодиров ўзини обрўсизлантириб қўйганлиги учун район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. У район партия комитети аъзолари составидан ҳам чиқарилди.

Пленум Орджоникидзе районидаги «Правда» колхози раиси вазифасида ишлаб келган Акбарали Йўлчиевни район партия комитети составига киритди, район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси этиб сайлади.



# САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

◆ **УШБУ суратлардаги пешқадам ишчилар Муҳаббат Эгамбердиева ва Тешабой Каримжоновлар ўз касбининг фидойилари сифатида эл оғзига тушган кишилардир. Муҳаббат Чирчиқ пойабзал фабрикасида, Тешабой Тошкент асбобсозлик заводида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Бу илғор ишчилар смена топшириқларини мунтазам ошириб бажариб, шахсий меҳнат беллашувида ғолиблар сафида боришмоқда.**

**В. Сироткин** ва **М. Нуриддинов** фотолари.



*

## *Атеистик мавзуда*

### ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Шаҳар партия комитетида корхона, ташкилот ва муассасалар партия ва комсомол ташкилотлари секретарларининг идеологик иш бўйича ўринбосарлари семинари бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари лектор Т. Ашуровнинг КПСС XXVII съезди талаблари асосида меҳнат коллективлари ва турар жойларда меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашни яхшилаш тўғрисидаги докладини тингладилар. «Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг масъул секретари И. Муравьеванинг доклади атеистик тарбия бўйича лекция ишининг асосий йўналишларига бағишланди. Семинар қатнашчилари идеология ишининг бу муҳим соҳаси бўйича ўзаро тажрибани ўртоқлашдилар.

### «ФАН ВА ДИН»

Чирчиқдаги индустриал техникумида студентларни атеистик руҳда тарбиялашнинг турли шаклларидан кенг фойдаланилмоқда. Шу темада лекциялар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда. Уларни ўтказишга мутахассислар, лекторлар жалб қилинаяпти.

Айниқса, «Фан ва дин» деб номланган оғзаки журнал мунтазам чиқяпти. Бу журналнинг сўнгги сони «Қонунга қасд қилганлар» деган темага бағишланди. Шу мавзуда лекция ўқиган «Билим» жамияти аъзоси И. Детинис диний догмалар билан фаннинг турли кашфиётлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, дин олға томон ривожланишимизга, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашга тўсқинлик қилиши ҳақида, у бизнинг жамиятимизга ёт ғоя эканлиги тўғрисида батафсил тўхталди.

### АГИТБРИГАДА ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Шаҳардаги 11-ўрта мактабнинг «Учқун» агитбригадаси аъзолари саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва муассасалар коллективлари ҳузурига тез-тез ташриф буюрадилар. Ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган бу коллектив кўпинча «Дин халқ учун афюндир» деган темада чиқишлар қилади.

Яқинда бригада аъзолари «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг биринчи, иккинчи, учинчи цехлари чеварларининг меҳмони бўлишди. Улар диннинг пайдо бўлиши, унинг реакцион моҳияти ва атеистик ишнинг асосий йўналишлари тўғрисида жонли, қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

**М. МИРҲАМИДОВ.**
**Чирчиқ шаҳри.**

